

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАХОН ТИЛЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 407 К-11

БАДИИЙ МАТНЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

5220100 – Лингвистика (немис тили)

Кахаров Қобилжон

Илмий раҳбар:
ф.ф.н. Абдуллаева С.

Мундарижа

Кириш.....	6
I Боб. Чет тили дарсларида бадиий матнлардан фойдаланиш.....	9
1. Бадиий матн турлари.....	9
2. Ўқиш мақсадига кўра ўқиш технологиялари.....	13
3. Бадиий матнларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	21
4. Бадиий матнлардан фойдаланишда ахборот-коммуникацион интернет-технологияларнинг роли.....	24
I Боб бўйича хулоса.....	34
II Боб. Интерфаол усуллар орқали бадиий матнларни ўрганиш.....	38
1. Бадиий матнларни грамматика дарсларида қўллаш.....	38
2. “Бекал” ларда бадиий матнларни ўрганиш.....	42
3. “Лойиҳа” дарсларида бадиий матнларни қўллаш.....	52
II Боб бўйича хулоса.....	58
III Боб. Кичик ҳажмли ҳикоялар устида ишлаш (Леонхард Томанинг “Das Idealpaar” номли ҳикоялар тўплами асосида).....	60
1. DAS IDEALPAAR und MEIN HAUS IST DEIN HAUS кичик ҳажмли ҳикоялари устида ишлаш.....	60
2. FRÜHSTÜCK und FRÖHLICHE STUDENTEN кичик ҳажмли ҳикоялари устида ишлаш.....	67
3. DAS MÄDCHEN IM ZUG und DER BESUCH кичик ҳажмли ҳикоялари устида ишлаш.....	71

4. DIE OBSTVERKÄUFERIN und SCHLAFLOSE NACHT кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш.....	76
5. HERR KAFFER GEHT SPAZIEREN und MOZART, SONNTAGS, GRATIS кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш.....	79
6. DER SIEGERTYP und DER DIEB IM GARTEN кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш.....	82
III Боб бўйича хулоса.....	86
Хулоса.....	87
Адабиётлар рўйхати.....	91

Режа

Кириш

I БОБ. Чет тили дарсларида бадиий матнлардан фойдаланиш

1. Бадиий матн турлари
2. Ўқиш мақсадига кўра технологиялар
3. Бадиий матнларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари
4. Бадиий матнлардан фойдаланишда ахборот-коммуникацион интернет-технологияларнинг роли

I Боб юзасидан қисқа хулоса

II БОБ. Интерфаол усуллар орқали бадиий матнларни ўрганиш

1. Бадиий матнлардан грамматика дарсларида фойдаланиш
2. “Бекал” ларда бадиий матнларни ўрганиш
3. “Лойиҳа” дарсларида бадиий матнларни қўллаш

II Боб юзасидан қисқа хулоса

III БОБ. Кичик ҳажмли хикоялар устида ишлаш (Леонхард Томанинг “Das Idealpaar” номли хикоялар тўплами асосида)

1. DAS IDEALPAAR und MEIN HAUS IST DEIN HAUS кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш
2. FRÜHSTÜCK und FRÖHLICHE STUDENTEN кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш
3. DAS MÄDCHEN IM ZUG und DER BESUCH кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш
4. DIE OBSTVERKÄUFERIN und SCHLAFLOSE NACHT кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш

5. HERR KAFFER GEHT SPAZIEREN und MOZART, SONNTAGS, GRATIS кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш

6. DER SIEGERTYP und DER DIEB IM GARTEN кичик ҳажмли хикоялари устида ишлаш

III Боб юзасидан қисқа хулоса

Умумий хулосалар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида ривожлана бошлагандан бери чет тилини ўргатиш ва ўрганишга катта эътибор қаратила бошланди. Ёш авлоднинг баркамол ва ҳар томонлама етук инсон сифатида шаклланишида бирон-бир чет тилини мукаммал билиш бугунги кун талабига айланди.

Президентимиз И.А.Каримов 2012 йил 17 февралда Тошкентда бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлаган эди: “Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айти пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ходисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шarti ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.

Ҳозирги кунда юртимиздаги барча таълим, фан, маданият ва маърифат муассасалари таълим портали ва интернетга уланган. Бу эса таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усуллари, ўқувчи ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини жорий этиш имконини бермоқда”.

Дарҳақиқат бирон-бир хорижий тилни бадиий матнлар орқали ўрганиш ўқувчи-талабаларнинг ҳар томонлама дунёқарашлари шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” номли асарларида маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган омиллар хусусида сўз юритиб: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг

тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”¹, - деб таъкидлаган эдилар.

Ҳар бир халқ ёки миллатнинг урф-одат, анъаналари ва дунёқарашларини ўрганишда бадиий матнлар катта аҳамиятга эга.

Ҳорижий тил дарсларида бадиий матнларни қўллаш ва уларнинг ўзига хусусиятларини ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади чет тили дарсларида бадиий матнлардан фойдаланиш, бадиий матн турлари, ўқиш мақсадига кўра ўқиш технологиялари, бадиий матнларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий матнлардан фойдаланишда ахборот-коммуникацион интернет-технологияларнинг роли, интерфаол усуллар орқали бадиий матнларни ўрганиш, бадиий матнларни грамматика дарсларида қўллаш, бекатларда бадиий матнларни ўрганиш, интерфаол усул “Лойиҳа” дарсларида бадиий матнларни қўллаш кабиларни очиб беришдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Тадқиқотда кўзда тутилган мақсадга қуйидагиларни бажариш билан эришилади:

- бадиий матн турларини атрофлича таҳлил этиш;
- ўқиш мақсадига кўра ўқиш технологияларини аниқлаш;
- бадиий матнларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;
- бадиий матнлардан фойдаланишда ахборот-коммуникацион интернет-технологияларнинг ролини очиб бериш;
- интерфаол усуллар орқали бадиий матнларни ўрганиш;

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 30.

- бадий матнларни грамматика дарсларида қўллашни кўрсатиш;
- бекатларда бадий матнларни ўрганиш, интерфаол усул “Лойиха” дарсларида бадий матнларни қўллаш орқали ҳорижий тилларни ўрганишни самарадорлигини намоён этиш.

Тадқиқотнинг методлари. Мавзуни ёритишда трансформация, таснифлаш, зидлаш, узвий таҳлил, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ҳозирги замон методикасининг долзарб муаммолари, тил ўрганилаётган мамлакат адабиётига оид изланишлар учун муҳим назарий ва амалий манба бўла олади. Магистрлик диссертацияси натижалари ва материаллари ҳозирги замон методикасининг долзарб муаммолари, тил ўрганилаётган мамлакат адабиётига доир дарслик ва қўлланмалар яратишда, немис тили йўналиши талабаларига махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба бўлиб хизмат қилади.

Магистрлик диссертацияси натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ФарДУнинг “Илмий хабарлар” (2013, 4-сон)да “Адабий матнлар устида ишлаш” мавзуидаги илмий журнал мақоласида ва ЎзДЖТУ “Ёш олим – 2013” илмий амалий конференция мақолалар тўпламида “Қисқа хикояларнинг ўзига хос хусусиятлари ва улар устида ишлаш” мавзусидаги тезисда акс этган.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 86 саҳифани ташкил этади.

I. БОБ. Чет тили дарсларида бадиий матнлардан фойдаланиш

1. Бадиий матн турлари

Чет тили дарсларида бадиий матнлардан фойдаланиш ўқувчи/талабаларни оғзаки нутқини ривожлантирибгина қолмасдан, балки тили ўрганилаётган мамлакатга нисбатан қизиқишларини орттиришда, дунёқарашларини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Бадиий матн турларига эпик, драматик ва лирик асарлар киради. Чет тили дарсларида кўпроқ эпик асарлардан фойдаланаётганлигимиз сабабли, эпик асарларга тўхталиб ўтамиз. Ерік грекча сўз бўлиб, ҳикоя қилувчи адабиёт маъносини билдиради. Эпик асарларда автор ўқувчини турфа хил образларнинг ички кечинмалари билан таништиради, турли хил замон ва макондаги ҳаёт ҳодисаларига дуч келтиради ва фантазиялар оғушида сайр эттиради. Эпик асарлар роман, новелла, эртак, афсона, анекдот, ҳикоя, масал ва баллада кабиларни ўз ичига олади.

Роман муаллифнинг дунёқараши ва давр руҳиятини ўзида акс эттиради. Роман новелла ва кичик хажмли ҳикоялардан фарқли ўлароқ асар қаҳрамонининг ҳаёти, улар билан боғлиқ воқеаларни ўз ичига олади. Маъносига кўра саргузашт, илмий, тарихий, муҳаббат, уруш, Ватан ҳақидаги романларга бўлинади.

Эртаклар асосан ўрта асрларда пайдо бўлиб, ундаги мўъжизакор воқеалар имкони бор ёки имкони йўқ шарт-шароитларда тасвирланади ва амалга ошади. Эртакларда табиат қонунлари бўрттириб кўрсатилади. Гапирувчи ҳайвонлар, ўйлаб топилган малика ва шахзодалар, соф, беғубор ахлоқ-одоб нормалари, ёмонликнинг мағлуб ва яхшиликнинг ғолиб бўлиши кабилар эртакларнинг том маънодаги энг асосий хусусиятларидан биридир.

Эртаклар халқ эртаклари ва бадиий эртакларга бўлинади. Халқ эртакларининг яратувчиси номаълум бўлиб, улар халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб келган ва кейинроқ китоб ҳолида йиғилган. Бадиий эртаклар

маълум бир ёзувчи ёки шоир томонидан яратилиб, у муаллифнинг дунёқараши ёки давр руҳиятини акс эттиради.

Масалларда инсонлар орасидаги одоб-ахлоқ нормалари ёки умумий ҳақиқат мажозий образлар орқали акс эттирилади. Масаллар жонли ижтимоий танқидий характерда бўлади.

Анекдот грекча сўздан олинган бўлиб, “нашр этилмаган” деган маънони билдиради. Анекдотлар келиб чиқиши жиҳатидан “ғийбат ҳикоя” бўлиб, улар яширин тарқалади. Таниқли шахслар кулгили иборалар ёки хатти-ҳаракатлар орқали характерланади. Анекдот жамиятда учраб турадиган айрим камчиликларни танқид қилишнинг кичик бир воситаси сифатида хизмат қилади.

Новелла латин тилидан олинган бўлиб, “янгилик” деган маънони билдиради. Жанжалли воқеаларни тасвирлаш, яъни “Қандай янгиликлар бор?” саволи остида жамият юқори қатламининг суҳбатини тасвирлашга хизмат қилган. XIX асрда новелла ўзининг ҳақиқий шаклига ва маъносига эга бўлди.

Новелла ҳақида И.В.Гёте фикр юритиб, шундай дейди: “Новелла инсон табиати ва унинг ички кечинмаларини бир лаҳзада очиб беради”. Воқеалар жараёни классик драма сингари бадиий тасвирланади. Новелланинг асосий хусусияти воқеалар тасвири муаллиф ёки ҳикоя қилувчининг аралашувисиз амалга ошади.

Кичик хажмли ҳикоя америкача “short story” сўзининг таржимасидан олинган. Кичик хажмли ҳикоялар кундалик ҳаётда содир бўладиган воқеа ҳодисаларни тасвирлайди ва унда кириш, воқеанинг ривожланиш жараёнлари ва хулоса акс этмайди. У кўпинча ҳал этиб бўлинган, ҳамма нарсани изоҳламайдиган лаҳзани ифодалайди ва ниҳояси аксарият ҳолларда очик қолади.

Баллада сўзи латинча “ballare” сўзидан олинган бўлиб, рақсга тушмоқ маъносини англатади ва XVIII аср охиригача баллада рақс қўшиғи маъносида қўлланилиб келинган. Балладанинг асосий хусусиятлари эпик-

тўқима характерда бўлиши, инсоннинг марказий ўринда туриши, мавжуд дунё билан инсоннинг қарама-қарши туриши, маълум қатор ёки шеър шаклга эга бўлмаслиги, қизиқарли ва яқиний структурага эга бўлиши, ҳикоялар диалог шаклида берилиши кабилардир.

Чет тили ўқитиш методикаси тарихида бир неча методлардан фойдаланилганлиги барчамизга маълум. Баъзи методларда адабиётни қўллаш яхши самара бериши исботланса, баъзи методлар эса бадиий матнларни дарсларда қўллашни умуман рад этади.

Биз қуйида бадиий матнлар қўлланилган методларга тўхталиб ўтамыз: Грамматик таржима методининг асосий мақсади ўқувчилар бадиий матнларни ўқишлари, таржима қилишлари ва бу орқали ўзларининг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришлари лозим бўлган. Бадиий матнларнинг ҳулосаси муҳим ҳисобланган.

Аудиовизуал методнинг асосий мақсади кундалик ҳаётга оид бўлган ситуацияларда мулоқот қила олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат бўлган. Оғзаки нутқ ёзма нутқдан авзал ҳисобланган.

Бу методда классик адабиёт намуналари олиб ташланади. Кейинчалик дарсларда бадиий матнлар қўлланила бошланди, лекин асарлар жуда оддий ва бадиий сўзлардан ташкил топмаган эди.

Коммуникатив методда эса дастлаб дарсларда бадиий матнларга ўрин берилмади. Фақатгина ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб адабиёт чет тил дарсларининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Бугунги кунда эса бадиий матнлар чет тил дарсларида ўқиб тушуниш учун машқ сифатида, тафаккурни ривожлантирувчи, сўз бойлигини кенгайтирувчи ва коммуникатив компетенцияни ривожлантирувчи восита сифатида хизмат қилмоқда.

Бадиий матнлар гуруҳларда интеллектуал ва руҳий салоҳиятни шакллантиришда гуруҳлардаги ўзаро муносабатни яхшилади, оғзаки ва ёзма нутқий фойдаларни ҳар томонлама юқори даражага кўтаради, бадиий

матндаги асосий образларни таҳлил қилиш орқали ҳар томонлама дунё қарашни кенгайтиради.

“Бадиий матнлар грамматик ва лексик машқларни бажариш воситаси бўлмасдан, балки тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихи ва мамлакатшунослигини ўрганиш учун асосий манбаа сифатида хизмат қилади. Бадиий матн билан ишлашда матнни мутолаа қилиш эстетикаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, ҳар бир матн иккита муаллифга эга. Биринчиси уни ёзган муаллиф бўлса иккинчиси уни ўқиётган ўқувчи ҳам муаллиф ҳисобланади. Матнни ўқишда турли хил матн интерпретациялар пайдо бўлади. Ҳар бир китобхон матнни турлича ўқийди ва турлича қабул қилади. Замонлар оша бадиий матнлар турлича ўқилиб, турлича таҳлил этилиши мумкин.”²

Бадиий матнларни ўқиб тушунишга турлича омиллар таъсир кўрсатади. Матнни ўқиб тушуниш ўқувчининг компетенциясига боғлиқ бўлади. Тез-тез учраб турадиган муаммо бу тилни яхши эгалламаслик ва айниқса сўз бойлигининг етарли даражада эмаслигидир. Ўқитувчилар учун шундай доимий муаммо мавжудки, ўқитувчининг ўзи янги сўзнинг маъносини тушунтириб берсинми ёки ўқувчиларга луғатдан фойдаланиб, сўзнинг маъносини топишни буюрсинми?

Матнни тушунишга таъсир этувчи навбатдаги омил бу маданий компетенцияга эга бўлишдир. Матнни тушуниш учун шахсий омиллар ҳам таъсир этади. Масалан, ўқувчиларнинг идора қилиш қобилиятлари, фантазиялари, қизиқишлари, хотираси ва ёши кабилар. Бундан ташқари бадиий матннинг номи ҳам муҳим ҳисобланади. Матннинг номи бадиий матнда кечадиган воқеликка бағишланган бўлиши, унинг боблари ёки қисмлари, матн ширифтининг ҳажми, абзацлари ва берилган иллюстрациялар ҳам матн мазмунини тушунишда аҳамиятга эга.

² Bechtel Ch, Simson E. Lesen und Verstehen. - Ismaning: Max Hueber Verlag, 1984. – S. 112.

2. Ўқиш мақсадига кўра технологиялар

Маълумки, адабиёт сўзини ишлатганимизда дарҳол кўз ўнгимизда ўқиш сўзи гавдаланади. Адабиёт ва ўқиш сўzlари бир-бирлари билан узвий боғланган. Ўқиш кўникмаси фақатгина адабиёт учун муҳим бўлиб қолмасдан балки, бизнинг кундалик турмушимиз учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Биз бирор нарсани онгли ёки онгсиз равишда ўқиймиз. Бу жараёнда фақатгина ўқиб қолмасдан балки, тушуниш ҳам муҳимдир. Матндаги маълумотлар бизнинг олдинги билимларимиз ва тажрибаларимиз билан боғлайди. Бу шуни англатадики, биз бирон-бир матндан маълумотларни олмасдан балки, уларни қайта ишлаймиз, қиёслаймиз ва таҳлил этамиз.

Ўқиш – бу мақсадга йўналтирилган фаолиятдир. Биз янги нарсани ўрганиш учун онгли равишда ўқиймиз. Ўқиш – бу ўқувчини ўзининг шахсий қарашлари, фаразлари ва матндан кутаётган натижаларини идора қила оладиган интерфаол жараёндир.

“Матнни турли мақсад ва сабабларга кўра ўқилади. Бу албатта кизиқишга ҳам боғлиқ. Баъзан матнни шунчаки ўқиймиз, баъзан матндан маълум бир маълумотларни олиш учун ўқиймиз. Ўқишни турли усуллари мавжуд бўлиб, уларга қуйида алоҳида тўхталиб ўтамиз:

Йўналтирилган ўқиш.

Йўналтирилган ўқишда албатта бизга матннинг сарлавхаси ёрдам беради. Масалан, биз газетадан Германия об-ҳавосига дахлдор бўлган маълумотни қидиришимиз керак. Чунки биз келгуси куни Мюнхенга саёхат қилмоқчимиз. Шу сабабли биз дастлаб газетадан об-ҳаво мавзусига оид сарлавхани қидирамиз.

[Wetter Deutschland – Vorhersage für morgen, Donnerstag 03.04.](#)

- [Berlin](#)  20°C
- [Dresden](#)  21°C

- Emden  18°C
- Frankfurt  22°C
- Freiburg  23°C
- Hamburg  16°C
- Kassel  22°C
- Köln  22°C
- München  21°C
- Rostock  11°C
- Saarbrücken  22°C
- Stuttgart  23°C

Глобал ўқиш.

Глобал ўқишда биз асосан матннинг асосий мазмунини ва ғоясини тушунишга ҳаракат қиламиз. Нотаниш сўзлар ҳам баъзан эътибордан четда қолади. Бундай ўқишга масаллар, эртаклар ва ҳикоялар киради.

Қуйида биз глобал ўқишга ака-ука Гримм эртакларидан Rotkäppchen эртагини мисол тариқасида келтирамиз.

Rotkäppchen

Es war einmal ein kleines süßes Mädchen, das hatte jedermann lieb, der sie nur ansah, am allerliebsten aber ihre Großmutter, die wusste gar nicht, was sie alles dem Kinde geben sollte. Einmal schenkte sie ihm ein Käppchen von rotem Samt, und weil ihm das so wohl stand, und es nichts anders mehr tragen wollte, hieß es nur das Rotkäppchen. Eines Tages sprach seine Mutter zu ihm: "Komm, Rotkäppchen, da hast du ein Stück Kuchen und eine Flasche Wein, bring das der Großmutter hinaus; sie ist krank und schwach und wird sich daran laben. Mach dich auf, bevor es heiß wird, und wenn du hinauskommst, so geh hübsch sitzsam und lauf nicht vom Wege ab, sonst fällst du und zerbrichst das Glas, und die

Großmutter hat nichts. Und wenn du in ihre Stube kommst, so vergiss nicht guten Morgen zu sagen und guck nicht erst in allen Ecken herum!" "Ich will schon alles richtig machen," sagte Rotkäppchen zur Mutter, und gab ihr die Hand darauf. Die Großmutter aber wohnte draußen im Wald, eine halbe Stunde vom Dorf. Wie nun Rotkäppchen in den Wald kam, begegnete ihm der Wolf. Rotkäppchen aber wusste nicht, was das für ein böses Tier war, und fürchtete sich nicht vor ihm. "Guten Tag, Rotkäppchen!" sprach er. "Schönen Dank, Wolf!" - "Wo hinaus so früh, Rotkäppchen?" - "Zur Großmutter." - "Was trägst du unter der Schürze?" - "Kuchen und Wein...."

Селектив ўқиш

Бундай ўқишда матндан маълум бир маълумот қидирилади. Китобхон ҳақиқатдан ҳам шу маълумот матнда турибдими ёки йўқми билиши керак. Масалан, биз спортга оид дастурни қидиряпмиз. Биз бугун телевизорда бу дастур бўлишини биламиз. Фақатгина биз дастурни қачон бўлиши учун газетадан соатини қидирамиз холос. Бошқа маълумотлар бизни қизиқтирмайди.

Programmvorschau vox

05:40 Hilf mir doch

06:45 Verklag mich doch

08:45 Verklag mich doch

09:45 Hilf mir doch

10:50 Vox Nachrichten

10:55 Mein Himmlisches Hotel

12:00 Shopping Queen

13:00 Fußballspiel

14:00 Verklag mich doch

15:00 Shopping Queen

16:00 4 Hochzeiten und eine Traumreise

17:00 Mein himmlisches Hotel

18:00 mieten, kaufen, wohnen

19:00 Das perfekte Dinner

Интенсив/деталли ўқиш

Бундай ўқишда биз матнни сўзма-сўз ўқиймиз. Биз асосий ва ёрдамчи маълумотларни тушунишимиз керак. Масалан, бирон-бир рецепт ёки маълум бир анжомни қўлланилишига доир кўрсатмани.”³

Gebrauchsanweisung Edelstahl-Stabmixer

Liebe Kundin, lieber Kunde,

bitte lesen Sie die vorliegende Gebrauchsanweisung vor Inbetriebnahme vollständig und sorgfältig durch, um Schäden durch nicht sachgemäßen Gebrauch zu vermeiden. Beachten Sie insbesondere die Sicherheitshinweise. Sollten Sie dieses Gerät an Dritte weitergeben, muss die Bedienungsanleitung mit ausgehändigt werden.

- Füllen Sie das Mixgut in einen Behälter mit max. 0,5 Liter Inhalt und tauchen Sie den Stabmixer bis max. zur Verbindungsstelle von Mixfuß und Grundgerät ein.
- Vermeiden Sie das Hochspritzen von Flüssigkeiten, indem Sie den Mixstab erst einschalten, wenn der Mixfuß eingetaucht ist und ihn erst ausschalten, wenn Sie ihn aus dem Mixgut entfernt haben.

³ Bechtel Ch, Simson E. Lesen und Verstehen. - Ismaning: Max Hueber Verlag, 1984. – S. 120.

Матн турли хил ўқилади. Бу албатта матн турига, ўқиш мақсадига, шахсинг ўқиш одатига ва қизиқишига боғлиқ бўлади. Масалан, бадий матн бошқача ўқилса, мутахассисликка оид матнлар ўзига хос ўқилса ва илмий оммабоп матнлар яна бошқача ўқилади. Баъзан эса матнда турли хил ўқиш усуллари бир вақтда қўлланилиши мумкин.

“Бирон-бир хорижий тилда ўқиш эса ўқув жараёнини анчайин мураккаблаштиради. Ўқиб тушуниш учун биринчи тўсиқ етарли даражада сўз бойлигига эга бўлмаслик бўлса, иккинчи тўсиқ берилган бадий матндаги ижтимоий маданий муҳит учун етарли билимга эга бўлмаслик ҳисобланади. Ўқиш шундай қобилият ҳисобланадики, бадий матнда тез визуал ҳаракат қилиш мумкин. Тушуниш эса шундай қобилият ҳисобланадики, бадий матннинг асосий ғоясини тушуниш, матндаги ҳар бир детални таҳлил қила олишни талаб этади.”⁴

Бадий матнларни ўқиш жараёнида ўқувчилар бош қаҳрамонларнинг ички кечинмалари билан қиёслайдилар. Ўқитувчи дастлаб осон матнлардан бошлаши мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли эртаклар ва кичик хажмли ҳикоялар жуда қўл келади. Эртаклар ва кичик хажмли ҳикоялар орқали ўқувчилар тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одатларини ўрганадилар ва ўзларининг маданияти ва урф-одатлари билан қиёслаш имкониятига эга бўладилар.

Бадий матнлар устида ишлашда ўқитувчидан пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Ўқитувчи мос бадий матн танлаши, мақсад ва вазифаларни белгилаши, асарни ўқиш учун яхши атмосферани яратиши, ўқиш ўқувчиларда яхши кайфият уйғотиши яъни, ҳузур бағишлаши кабиларга эътибор қаратиши лозим.

Дастлаб ўқитувчи асар муаллифининг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи ва асар ҳақидаги маълумотларни олиши лозим. Дарс жараёнида эса ўқитувчи муаллиф ҳақида ва асар мазмуни ҳақида гапириб бериши, матндаги таянч сўзларнинг маъносини ўқувчиларга тақдим этиши ва

⁴ Bechtel Ch, Simson E. Lesen und Verstehen. - Ismaning: Max Hueber Verlag, 1984. – S. 126.

асарда мамлакатшуносликка оид муаммолар бўлса тушунтириб бериши лозим. Ўқиш жараёнида ўқувчилар турли ўқиш технологияларидан (глобал, селектив, йўналтирилган) фойдаланиши мумкин. Матн ўқиш давомида ўқувчилар томонидан фикрлар билдирилиши, креативлик ва мунозаралар бўлиши табиий ҳолдир.

“Еълер бадий матнлар устида ишлашни беш босқичга ажратади. Биринчи босқичда ўқувчилар муаллиф ва асар жанри ҳақида маълумотга эга бўлишлари лозимдир.

Иккинчи босқичда ўқувчилар матнни ўқиб тушунишлари ва воқеликка муносабат билдира олишлари лозим.

Учинчи босқичда матнни тушунишларини мустаҳкамлаш мақсадида саволларга жавоб беришлари ёки аксинча савол қўя олишлари ва матн мазмунини ҳикоя қилиб беришлари лозим.

Тўртинчи босқичда матнни тушунишлари яъни, матнни таҳлил қила олишлари лозим.

Бешинчи босқичда ўқувчилар қанчалик матнни чуқур тушунганликларини назорат қилиш учун матн мазмуни бўйича мунозаралар юритилади ва ҳулоса қилинади.”⁵

Хорижий тил дарсларида бадий матнлардан фойдаланиш ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, бадий матнлар билан ишлашда, ҳар бир сўзни таржима қилиш унчалик шарт эмас. Тушунишда энг муҳими олдинги билимлар муҳим роль ўйнайди. Матнда гап нима ҳақда боряпти, матнни ким ёзган ва матн нима мақсадда ёзилган кабиларни албатта ўқувчи билиши лозим. Матнни тушунишни осонлаштиришга доир кўплаб технологиялар мавжуд. Ҳар бир бадий матн ўз шаклига эга. Эртак ўзига ҳос шаклга эга бўлса, шеър ўз шаклига эга. Таянч сўзлар ҳам матнни тушунишни

⁵ Ehlers S. Lesen als Verstehen zum Verstehen fremdsprachlicher literarischer Texte und zu ihrer Didaktik. - Berlin: Landenscheidt, 1992. – S. 112.

осонлаштиради. Улар асосий маълумотларни тушуниш учун бизга яқиндан ёрдам беради. Агар матнда нотаниш сўз бўлса, уни контекстдан тушуниш мумкин. Бунинг учун нотаниш сўздан кейин ва олдин турган сўзга эътибор қаратиш лозим. Матнни тушуниш учун иллюстрациялар ҳам муҳим роль ўйнайди.

“Бюлманн ўқиш технологияларини уч гуруҳга ажратади.

Биринчи гуруҳга у матнни тушуниш учун графиклар, иллюстрациялар, халқаро сўзлар ёки сўзлар ясалиши қоидаларини билишни киритади.

Иккинчи гуруҳга матнни тушуниш учун контекст, турли ҳилдаги қўшма гаплар ва таянч сўзларни киритади.

Учинчи гуруҳга эса матнга тузилган топшириқлар, ҳар бир абзацга оид сарлавхалар, жадваллар ва мавзуга оид расмларни киритади.”⁶

“Алтенберг эса матнни тушунишга қуйидаги методларни тавсия қилади:

1. Матндаги таянч сўзларни тушуниш.

Бу усулда ўқувчилар матндаги таянч сўзлар деб билган сўзларни белгилашлари ва уларни маъносини тушунишлари лозим. Сўнгра матнни ўқийдилар ва маъносини матн билан қиёслайдилар.

2. Матнни ярмигача ўқиш.

Бу усулда ўқитувчи матннинг ярмида ўқишни тўхтатади. Давомини ўқувчиларнинг ўзлари тахмин қиладилар ёки ўйлаб топадилар. Сўнгра яна ўқишда давом этадилар ва давомини ўзларининг тахминлари билан қиёслайдилар.

3. Матнни тартибсиз ҳавола этиш.

Ўқитувчи матнни тартибсиз равишда ҳавола этади. Ўқувчилар эса матн мазмунига мос равишда тартибли жойлаштиришлари лозим.

4. Матнни люкен асосида бериш.

Бунда матндаги сўз ёки таянч сўз тушириб қолдирилиши лозим.

5. Матнларни қиёслаш.

⁶ Buhlmann R, Laveau I. Arbeit mit Sachtexten. - Berlin: Landenscheidt, 1992. – S. 245.

Ўқитувчи бир ҳил мавзуга иккита матн тавсия этади. Ўқувчилар қиёслайдилар, умумий жихатлари ва фарқларини топадилар.

6. Матнни расмларда акс эттириш.

Бу усулда ўқувчилар матнга чизмалар, коллажлар, расмли хикоялар чизишлари лозим.

7. Матнни сахналаштириш.

Бу усулда ўқувчилар матнни ўйинли ҳаракат билан сахналаштиришлари лозим.”⁷

Хорижий тил дарсларида ўқиш усуллари билиш, уларни турли мақсадларда қўллаш ва матн устида ишлашнинг ўзига хос усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бадиий матнлардан фойдаланиш хорижий тилларнинг барча фанларида жумладан мамлакатшунослик дарсларида ҳам яхши самара беради.

Мамлакатшунослик тушунчаси турли соҳаларни ўз ичига олганлигини биламиз. Масалан, тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, тарихи, географияси ва сиёсатидан бошлаб токи кафе ёки таклиф қилинган жойда ўзини қандай тутиш кераклиги ва умуман олганда бегона мамлакатда ўзини камроқ бегона ҳис қилиши учун керак бўлган барча нарсаларни ўрганади. Мамлакатшуносликка оид билимларни бадиий матнлар орқали бериш янада самарали натижаларни беради.

Биз бадиий матн турларидан мамлакатшунослик дарсларида балладанинг ролига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Фридрих Шиллернинг “Қўлқоп” балладасида тантиқ сарой хонимининг бир рицардан майдонга олиб чиқилган шер, йўлбарс ва арслонлар ўртасига атайлаб қўлқопини ташлаб юбориб ва улар ўртасидан севгисининг исботи сифатида қўлқопини олиб чиқишини буюрганлиги, ҳайрат ва қўрқув билан қараб турган томошабинлар орасидан ўтиб жангга

⁷ Altenberg D, Glaap A.R. Literatur im Fremdsprachenunterricht, Fremdsprache im Literaturunterricht. - Frankfurt am Main: Verlag Moritz Diesterweg, 1990. – S. 132.

тайёр турган йиртқич хайвонлар ўртасидан қўлқопни олиб чиққанлиги ва унинг қаршисига мамнун бўлиб ошиққан сарой хоними юзига қўлқопни жаҳл билан отиб саройни тарк этганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу баллада орқали талабалар ўша давр сарой хонимларининг тантик килиқлари, рицарларнинг жасурликлари ва ўша даврда одат тусига кирган йиртқич хайвонлар кураши ҳақида билим ва тасаввурга эга бўладилар.

Бундан ташқари талабалар билан Фридрих Шиллернинг “Қўлқоп” балладасини “замонавийлаштириш” усулида ҳам қўллаш мумкин. Талабалар “Қўлқоп” балладасининг асосий ғоясини сақлаган ҳолда бугунги кун ҳаёти билан боғлиқ ўзлари янги баллада яратишлари мумкин.

“Бадиий матнлар хорижий тилларнинг мамлакатшунослик дарсларида кўп қиррали вазифа ва функцияларни бажариши билан ҳам характерланади:

- тилни бадиий матнлар орқали ўрганиш;
- мамлакатшунослик бўйича билим ва тасаввурларни бадиий матнлар орқали бойитиш;
- бадиий матнларда ёритилган хориж маданияти орқали ўз маданиятини ҳам янада чуқурроқ ўрганиш.”⁸

Бадиий матнлар хорижий тил дарсларида тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одати, тарихи ва дунёқарашлари билан яқиндан таништириш имкониятини яратади.

3. Бадиий матнларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Адабиёт жуда қизиқарли бўлган ўқув ситуацияларини ташкил қилиши, бадиий матнлар билан ишлаш аутентив коммуникатив ситуацияларни яратиши, адабиёт орқали ўрганувчилар тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишлари кабилар унинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

⁸ WSU. Arbeit an den literarischen Texten. Seminarband. – Taschkent, 2013. – S. 12.

„Бадий матнларни чет тили дарсларида қўллашнинг фойдали томонлари ҳақида Килоускова қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади:

Коммуникатив функцияси

Адабиёт талабаларнинг коммуникатив компетенциясини янада мустаҳкамлайди, уларни лингвистик, социолингвистик, прагматик ва маданий компетенцияларини янада яхшилашга қўмаклашади.

Шаклий функцияси

Адабиёт кишиларда шахсни улуғлаш, инсонийликни кадрлаш, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби хислатларни шакллантиради.

Когнитив функцияси

Адабиёт билим булоғидир. У ахборот тарқатувчи ва ҳаёт ҳақида ҳикоя қилади. Кишиларнинг ҳар томонлама онгини ривожлантиради.

Эстетик функцияси

Чет тилининг гўзаллиги ва бойлиги билан таништиради.

Стилистик функцияси

Адабиёт турли стилдаги, турли хил даражадаги аутентив матнларни тавсия қилади.

Маданий функцияси

Тил ва адабиёт жамиятни инсонпарварликка чақириш воситаси ҳамдир. У чет маданиятлар ўртасидаги маданиятлараро билимларни ўз ичига олади ва маданий хилма-хиллик туйғусини ривожлантиради.

Завқ бағишловчи функцияси

Адабиёт кишига маданий дам олиш ва завқу-шавқ бағишлайди.

Мазмунга бойлик функцияси

Бадий матнлар оддий дарслик матнларига қараганда қизиқарлилиги, суҳбат ва мунозараларга етакловчи, ўқувчи/талабалар фантазиясини кенгайтирувчи вазифасини бажариши билан фарқланади. Бадий матнларда зерикиш хисси туғилмайди.

Тилни эгаллаш даражасини кучайтирувчи вазифаси

Бадиий матнлар газета матнлари ва илмий матнларга қараганда тилни билиш ва эгаллаш даражасини янада юқори даражага кўтаради.

Методик – дидактик вазифаси

Бадиий матнлар дарслик матнлари билан қиёслаганда сунъий эмаслиги, ҳақиқий ҳаётий ситуацияларни тавсия қилиши, мамлакатшунослик дарсларининг энг муҳим қисми эканлиги, келажакка интилиб яшаш учун энг яхши мотивация қилиши билан ҳам фарқланади.”⁹

Ҳар бир нарсани ҳам ижобий ҳам салбий томонлари бор бўлганидек, юқорида таъкидлаб ўтилгандек ижобий томонлар сифатида қайд этилса, куйидагилар эса бадиий матнларни қўллашда салбий томонлари сифатида эътироф этиш мумкин.

Бадиий матнларни қўллаш учун ўқитувчидан ўз устида кўпроқ тайёргарлик кўришни ва қўшимча материалларни тайёрлашни талаб этади. Ўқитувчи бадиий матн ҳақида атрофлича билим ва тасаввурга эга бўлиши ва ўқувчи/талабалар учун эса тил бўйича яхши билимга эга бўлишни талаб этади.

Немис педагоги Коппенштайнер бадиий матнларни қўллашда куйидагиларни қийинчиликлар сифатида белгилайди:

Баъзи бир ўқувчи/талабаларда адабиётга қизиқиш етарли даражада эмаслиги сабабли бадиий матнларни ўқишда зерикиш кузатилади.

Бадиий матнлар тилни тушуниш бўйича мураккаблиги сабабли ўқувчи/талабалар уларни тушунишда қийинчилик туғдиради. Чунки, баъзи бир бадиий матнлар поэтик тилда ёзилган.

Ўтган асрнинг 80-йиллардан бошлаб чет тили дарсларида адабиётнинг роли янада ошди.

Бадиий матнларни ҳар қандай ўқув босқичида қўллаш мумкин. Лекин ўқитувчи исталган бадиий матнни ҳар қандай ўқув босқичида қўллаши мумкин эмаслигини эътиборга олиши лозим.

⁹ Kilouskova A., Kast B. Jugendliteratur im kommunikativen Deutschunterricht. - Berlin: Langenscheidt, 1985. – S. 352.

Матнлар ўқувчи/талабаларда қизқиш уйғотиши, танланган матн дарс мақсадига мос келиши лозим.

Мавзу ўқувчиларнинг кундалик ҳаётларига, ички кечинмаларига, хис-туйғуларига, ҳаётий тажрибаларига, жамиятдаги долзарб муаммоларига мос келиши лозим. Бу билан ўқувчи/талабалар бадиий матнлардаги асосий образлар билан ўз ҳаёт йўлларини қиёслай оладилар ва ўз муаммоларига ечимни топишга ҳаракат қиладилар.

Ўқитувчи дастлаб дарсни оддий матнлардан бошлагани маъқул. Масалан, оддий шеърлар, кичик хажмли ҳикоялар.

Таниқли муаллифларнинг адаптация қилинган асарлари ҳам бор. Лекин мутахассислар адаптация қилинган асарларни бутунлай мунозарали деб ҳисоблайдилар. “Биринчидан бундай асарлар адаптация орқали қисқариб кетади, иккинчидан бироз бўлсада, унинг бадиий қиммати, асосий ғояси ҳам қайсидир маънода бироз йўқолади. Шунинг учун ҳам айниқса бу борада оригинал матнлар, айниқса эртаклар ва ҳикоялар жуда қўл келади.

4. Бадиий матнлардан фойдаланишда ахборот-коммуникацион интернет-технологияларнинг роли

XXI аср тарихга ахборот асри бўлиб кириши барчамизга маълум. Бунинг боиси интернет технологияларининг жадал ривожланиши ва энг муҳими улардан фойдаланиш имкониятларининг тез суръатларда кенгайиб бораётганлигидир. Жаҳон интернет-статистика маркази маълумотларига қараганда сайёрамизда истиқомат қилувчи ҳар тўрт кишидан биттаси ёки 1,5 миллиарддан ортиқ киши интернетдан кундалик ҳаётида фойдаланади. Хаттоки интернет мулоқотнинг қўшимча шаклига айланиб бормоқда деб айтиш ҳам мумкин. Ўзбекистонда ҳам ахборот-коммуникацион, интернет-технологиялар жадал ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда жаҳон интернет тизимига жойлашдан олдин материалларга қўйиладиган ягона мезонлар мавжуд эмас. Шу ўринда олинаётган ахборот ва унинг манбасини баҳолай олиш ўта муҳимдир. Ўқув мақсадларида интернет-ресурсларини баҳолашда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Энг аввало ўқитувчи материалнинг тил жиҳатдан мураккаблик даражасини, яъни танланган Интернет ресурсда ўқувчиларда қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган сўзлар, грамматик конструкциялар, иборалар бор-йўқлигини кўриб чиқади. Бундан ташқари матннинг маъно жиҳатидан ўқувчиларнинг билим даражасига тўғри келиш келмаслигига ҳам эътибор берилади.

„Яна бир муҳим жиҳати сайт манбасининг ишончилигидир. Сайтда жойлаштирилган материал қандай мақсадларга хизмат қилади, муаллифи ким, ундаги ахборот долзарбми, замонавийми ёки эскирганми, у ўқувчиларнинг шахсини ривожлантириш, дунёқарашини бойитишга хизмат қиладими, ахборот объективми, йўқми каби саволларга жавоб кидириш жуда зарур.

Интернет тизимида университет профессори билан бир қаторда ёш бола томонидан яратилган материални ҳам учратиш мумкин. Шу боис ҳам танланган материал аниқ ўқувчилар гуруҳининг тил билиш ва маънавий-маърифий даражасига мос келиши, ўқувчиларнинг тил ва мазмун борасидаги савиясидан биров юқорироқ даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир.“¹⁰

Ўқувчи ва талабалар интернет тизими сайтларини таҳлил қилиш ва баҳолашда учта муҳим жиҳатларга эътибор қаратишлари аҳамиятлидир. Биринчидан, сайт мазмуни, иккинчидан ахборот ва маълумот манбаси, учинчидан сайт таркибига эътибор қаратиш зарур.

¹⁰ П.В.Сысоев, М.Н.Евстигнеев. Методика обучения иностранному языку с использованием новых информационно-коммуникационных Интернет-технологий. – Москва: Глосса-Пресс, 2010. – Стр. 31.

“Сайт мазмунини баҳолашда қуйидаги мезонларга диққатни қаратиш лозим:

- Сайт кимларга мўлжалланган?
- Интернет саҳифа мақсади нима? У қандай ахборотга эга?
- Сайтдаги ахборот қай даражада тўлиқ ва ҳақиқатга тўғри келади? Бу манбанинг ушбу мавзудаги бошқа манбалардан қимматлилик томони нимада?
- Бу мавзу бўйича яна қандай (босма ва электрон) манбалар бор?
- Сайт ёки ҳужжат қачон яратилган?
- Сайтдаги ахборот муҳокамадаги мавзунини қанчалик тўлиқ ёритяпти?
- Мультимедиа ресурсларига кириш имконияти борми?
- Ушбу сайтдаги ахборотнинг қиймати нимада?

Манба ва маълумотномаларни аниқлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим.

- Сайт муаллифи ким?
- Мазкур сайтни яратувчилар қай даражада обрўга эга?
- Сайт яратувчилар мазкур муаммо бўйича қай даражада ахборотга эгалар?
- Мазкур сайт ҳомийси (агар бўлса) ким? Бу сайт мазмунига қанчалик таъсир кўрсатган?
- Сайт қачон ишлаб чиқилган?
- Сайт қачон босилиб чиққан?
- Сайт сўнгги марта қачон янгиланган?

Сайт тузилиши бўйича эса қуйидагиларни ўрганиб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

- Сайт график беаги қандай кўринишда?
- Белгилар мазмунга қанчалик мос келади?
- Матн ёзилиши имло ва грамматика қоидаларига мос келадими?
- Сайт яратилишида ижодий ёндошув сезиладими?
- Бу сайтдан қай даражада фойдаланиш мумкин?

- Сайт мультимедиа ресурслари билан тўлдириб юборилмаганми?”¹¹

Бир сўз билан айтганда бугун ахборот асрида глобллашув жараёнида ўқитувчи, талаба ва ўқувчиларнинг интернет тизимидан ахборот олиш жараёнида юқоридаги саволларга эътибор қаратсалар айтиш муддао бўлур эди. Зеро, юртбошимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”¹² деб таъкидлаган эди.

Шундай экан мамлакатимизда ёшлар учун ташкил этилган “Зиёнет” тармоғи, таълим портали, бошқа тегишли сайтларда жойлаштирилиб, доимий равишда янгиланиб борилаётган манбаларга мурожаат қилиш, турли ўқув Интернет-ресурсларидан юқоридаги мезонлар асосида оқилона фойдаланиш замон талаби бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг билимларини чуқурлаштириш, янги билимлар билан бойитиш, натижада чет тилларни мукамал ўрганиш имконини беради.

Сўнгги йилларда ҳорижий тилларни ўрганишда интернет технологияларидан фойдаланиш муҳим ўрин эгалламоқда. Айниқса, интернет-коммуникациялар электрон почта, чат, форум ва веб-конференциялар ва бошқалар таълим олишда ва ҳорижий тил

¹¹ П.В.Сысоев, М.Н.Евстигнеев. Методика обучения иностранному языку с использованием новых информационно-коммуникационных Интернет-технологий. – Москва: Глосса-Пресс, 2010. – Стр. 37.

¹² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.

ўрганувчилар ва ўргатувчиларнинг ҳар томонлама чет тил билимларини ривожланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов 2012 йил 17 феввалида Тошкентда бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлаган эди: “Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айти пайтда чет мамлакатларидаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ходисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.

Ҳозирги кунда юртимиздаги барча таълим, фан, маданият ва маърифат муассасалари таълим портали ва интернетга уланган. Бу эса таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усуллари, ўқувчи ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини жорий этиш имконини бермоқда.

Бундай шароитда интернет ресурслардан чет тилларни ўрганиш ва ўргатишда қандай фойдаланиш зарур деган савол туғилади. Чунки интернет орқали олиш мумкин бўлган маълумотларни ўқитувчи, ўқувчи ва талаба муайян мезон, талаб ва ёндашувларсиз ола олмайди, шундай бўлган тақдирда эса у олдиға қўйган мақсадиға етолмайди, кўп вақт ва куч сарфлаб кутилган самараға эришмайди.”

Интернет тармоғидан керакли маълумотларни топиш учун алоҳида қидирув қоидаларини билиш зарур бўлади. Керакли маълумотларни топишда вақтдан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида ҳозирги кунда ўнлаб қидирув тизимлари яратилган. Лекин уларни ҳар бирининг ўзига хос қидирув қоидалари мавжуд. Масалан: Yahoo умумий қидирув

учун алоҳида тематик қидирув системаларига эга. Google эса ўқув ва академик мақсадлар учун интернет сайтларида жуда кенг танлов имкониятларига эга. Кўплаб қидирув системалари матн материалларидан ташқари картинкалар, фотосуратлар, аудио ва видеофайлларга эга.

“Қидирув тизимларидан фойдаланишда қийинчиликларга учрамаслик учун қидирув тизимларининг ўзига хос қуйидаги қоидаларини билиш талаб этилади.

Қидирувдаги рамзлар	Мисоллар асосида ёритиб бериш
“И” (“AND”, “+”)	Бундай рамзлардан фойдаланишда икки ва ундан ортиқ таянч иборалардан фойдаланиш талаб этилади. Масалан: Пушкин и Евгений Онегин, Пушкин + Евгений Онегин; Shakespeare and Hamlet, Shakespeare + Hamlet.
“НЕ” (“Not”, “-”)	Бошқасини инкор қилиб бир таянч иборадан фойдаланиш. Масалан: литература-повест; music instruments not guitar, music instruments – guitar
“ИЛИ” (“OR”)	Қуйидаги боғловчилар орқали мавзуга мос икки сўзни ёзиш. Масалан: авиация или самолёты, ocean or shrimps.
“”	Қўштирноқлар орқали матндан парча ёки матнга хос жумлани ёзиш. Масалан: “самый знаменитый русский поэт”, “Use of nanotechnology”.
~	“~” Бу белги орқали синонимларни топиш мумкин. Масалан: ~ спорт деб киритсак спортга оид бошқа тегишли сўзларни ҳам топишимиз мумкин
График тасвирлар	График тасвирларни кўпроқ Google тизимидан топиш

	мумкин. Масалан: Лондон + фото.” ¹³
--	---

Интернет орқали бадий матнлардан фойдаланишда қуйидаги сайт жуда катта ёрдам беради.

<http://gutenberg.spiegel.de/>

Бу сайт орқали 50 йил олдин яшаб ўтган барча таниқли ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти, ижоди ва барча асарлари билан танишиш мумкин. Авторлар алифбо шаклида жойлаштирилган. Қайси ҳарф босилса, ўша ҳарф билан бошланувчи ёзувчи ва шоирларнинг номлари экранда пайдо бўлади. Сўнгра керакли ёзувчи ёки шоир танланиб, сичқонча билан босилса ўша шоир ёки ёзувчи ҳақидаги барча маълумотлар ва уларнинг асарларини топиш мумкин. Қуйида биз «F» ҳарфи ичидан таниқли ёзувчи Франц Кафкани танлаб унинг ҳаёти ва қисқа ҳикояси устида қандай ишлаш бўйича тавсиялар бериб ўтмоқчимиз.



„Franz Kafka

Geboren 3.7.1883 in Prag, gestorben 3.6.1924 in Kierling bei Wien. Sohn eines wohlhabenden jüdischen Kaufmanns. 1901-1906 studierte er Germanistik und Jura in Prag; 1906 promovierte er zum Dr. jur. Dann kurze Praktikantenzeit

¹³ П.В.Сысоев, М.Н.Евстигнеев. Методика обучения иностранному языку с использованием новых информационно-коммуникационных Интернет-технологий. – Москва: Глосса-Пресс, 2010. – Стр. 56.

am Landesgericht Prag. 1908-1917 Angestellter einer Versicherungsgesellschaft, später einer Arbeiter-Unfall-Versicherung. 1917 erkrankte er an Tbc, was ihn 1922 zur Aufgabe des Berufeszwangs.

Kafka fühlte sich als einsamer und unverstandener Einzelgänger, nur mit Max Brod und Franz Werfel verband ihn Freundschaft; bekannt war er auch mit Martin Buber und Johannes Urzidil. In den Sommermonaten der Jahre 1910 bis 1912 führten ihn Reisen und Kuraufenthalte nach Italien, Frankreich, Deutschland, Ungarn und in die Schweiz. Sein Verhältnis zu Frauen war schwierig und problematisch: zweimal hat er sich 1914 verlobt und das Verlöbnis wieder gelöst; 1920-1922 quälte ihn eine unerfüllte Liebe zu Milena Jesenska, was zahlreiche erhaltene Briefe dokumentieren; seit 1923 lebte er mit Dora Dymant zusammen als freier Schriftsteller in Berlin und Wien, zuletzt im Sanatorium Kierling bei Wien, wo er an Kehlkopftuberkulose starb. Sein literarischer Nachlass, den er testamentarisch zur Verbrennung bestimmt hatte, wurde posthum gegen seinen Willen von Max Brod veröffentlicht.

Gib's auf

